

## КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИ МОНИТОРИНГИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА УЛАРНИ БАҲОЛАШ КЎРСАТКИЧЛАР ТИЗИМИ

**Сакиева Озода Батировна**

Термиз Давлат Университети

+998 97 850 30 71, email: [nilu171@mail.ru](mailto:nilu171@mail.ru)

### ARTICLE INFO.

**Key words** real sector, welfare, business environment, investment, innovation, modernization, diversification, entrepreneurship, business.

**Ключевые слова:** Кичик саноат зоналари, эҳтиёж, тадбиркорлик, саноат

### Annotation

Small industrial zones established in accordance with the Decision of the President of the Republic of Uzbekistan "On additional measures for the sale of state-owned objects to small businesses and private enterprises" serve to increase the industrial potential of the regions along with comprehensive support and further development of the activities of business entities. is also very important.

### Аннотация:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат мулки объектларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сотиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ ташкил этилган кичик саноат зоналари тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантириш билан бир қаторда ҳудудларнинг саноат салоҳиятини оширишга хизмат қилиши билан ҳам жуда муҳим аҳамият касб этади.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2023 LWAB.

Маълумки, ихтисослашган кичик саноат зоналарининг ташкил этилиши замонавий рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш турларини ташкил этиш, янги иш ўринлари яратиш ҳамда аҳоли даромадларининг ўсишини таъминлашга, мамлакат ялпи ички маҳсулот ҳажмини ошириш ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. Ташкил этилган кичик саноат зоналарининг диққатга сазовор жиҳатларидан бири шундаки кичик саноат зоналарида тадбиркорлик субъектларини жойлаштириш бўйича ишлаб чиқилган лойиҳаларга мувофиқ зарур муҳандислик коммуникациялари ва инфратузилмалар қурилиши мутасадди ташкилотлар маблағлари ҳисобидан амалга оширилади ҳамда эҳтиёжга кўра узлуксиз электр энергияси ва газ билан таъминлашни зиммасига олади.

Иқтисодий таҳлилнинг асосий вазифаларидан бири- бу корхоналар, савдо тармоқлари, кичик саноат зоналари маҳсулотлари рақобатбардошлигини баҳолаш ва башорат қилишдан

иборат. Ўзгарувчан бозор муҳитидаги рақобатнинг жиддийлашиши ҳар бир корхона ёки хўжалик юритувчи субъект учун аналог ташкилот ёки муассасалар доимий мониторингида ўзининг иқтисодий ҳолати зарурлиги эҳтиёжини ҳис қилади.

Ўзбекистонда ҳам худди ривожланган бозор иқтисодиётига эга кўпгина хорижий мамлакатлардаги сингари маҳсулот сифатини бошқариш тизимини яратиш, такомиллаштириш ва сертификатлашга эътибор кучаяётганлиги кузатилмоқда, сифатга нисбатан янгича бошқарув тафаккури шаклланимоқда. Шу боис, ҳудудий ишлаб чиқариш комплекслари рақобатбардошлигини оширишда янада чуқур тадқиқот олиб бориш ҳозирги куннинг долзаб масаласи саналиб, нафақат илмий балки, амалий аҳамият ҳам касб этади.

КСЗ лар аслида саноатни фазовий ташкил этишнинг янги директив шакли бўлиб, айнан улар тегишли дастурий-мақсадли минтақавий ва муниципал режалаштириш ва бошқаришнинг ўсиш кутбларига айланиши мумкин.

### Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Ҳудудларда индустриал паркларни ташкил қилиш ва ривожлантириш муаммолари А.А. Праченко, О. Л. Симченко, Т. Ю. Смольянинова, Н. В. Малинина, Д.С. Миронов, Т. В. Коновалова, М. Д. Изюмовлар илмий ишларида, индустриал паркларни бошқариш масалалари Т. И. Слепкова, Я. В. Сычевлар ишларида, индустриал парклар корхоналарининг рақобатбардошлигини таъминлаш ва баҳолаш масалалари Е. А. Тиханов ишида, кичик саноат корхоналарини такомиллаштириш масалалари С. В. Павловский ишида ўрганилган.

Ўзбекистонда иқтисодиётни барқарор ўсишини таъминлаш, янги лойиҳаларни амалиётга тадбиқ этишда инвестициялар ҳажмини ошириш ҳамда кичик бизнесни ривожлантириш йўлларида бири бўлиб кичик саноат зоналари (КСЗ) ҳисобланади.

Кичик саноат зоналари –маълум ер майдони ёки ишлаб чиқариш майдонини ўз ичига олган, муҳандислик коммуникация тизимига эга ҳудуд бўлиб, маҳаллий ҳудудларни ривожлантириш ҳамда аҳоли бандлигини оширишда катта имкониятлар яратади. Аҳолини сифатли товар ва хизматлар билан таъминлашга, рақобатбардошликни оширишга хизмат қилади.

2014 йил 31 декабрда қабул қилинган низомда КСЗ га қуйидагича таъриф берилганди: зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор ва паст рентабелли ташкилотларнинг фойдаланилмаётган, муҳандислик коммуникациялари ўтказилган ва зарур инфратузилмага эга алоҳида ҳудуд. 2020 йил 9 мартдаги кичик саноат зоналари ҳақидаги низомда кичик саноат зоналарига қуйидагича таъриф берилган: “**кичик саноат зонаси** (кейинги ўринларда КСЗ деб аталади) — ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун мўлжалланган, аҳоли пункти ҳудудининг ёки аҳоли пунктларларо ҳудуднинг қонун ҳужжатлари билан муайян мақом берилган ҳамда ҳудуди доирасида хизмат кўрсатувчи инфратузилмага эга бўлган ишлаб чиқариш майдонлари жойлашадиган ва чегаралари аниқ белгиланган қисми”<sup>1</sup>.

Иқтисодчи олимлардан Б. Т. Салимов ва Б.Б. Салимовлар ўз илмий ишларида кичик саноат зоналарини барпо этиш ва ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш билан, кичик саноат зоналарида инвестицион фаолликни ошириш йўналишларини такомиллаштириш Ш. Э. Маннапова ишида, М.М. Ашуров эса ўз илмий ишида кичик саноат зоналарини ташкил этиш ҳамда кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш масалаларини кўриб чиққан.

### Тадқиқот методологияси

КСЗ ларнинг фаолияти ҳудуд иқтисодиётининг сезиларли даражада ўсишига таъсир

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 09.03.2020 йилдаги 134-сон

этибгина қолмай, балки ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. КСЗ лар фаолияти самарадорлигини ва уларнинг ҳудуд иқтисодиётига таъсири даражасини баҳолаш мураккабдир, чунки КСЗ лар мустақил статистик кузатиш объекти эмас. Бу ҳолат КСЗ лар фаолиятининг мониторинг тизимини ўрганиш ва такомиллаштиришнинг долзарблигини таъминлайди.

КСЗ лар фаолиятининг самарадорлигини комплекс баҳолаш зарурлигини белгиловчи омиллар қуйидагилардан иборат:

1. КСЗ ларнинг тобора оммалашиб бориши ва хилма-хиллиги, уларнинг фаолият самарадорлигини баҳолаш, шунингдек, улар жойлашган ҳудудларнинг иқтисодий ривожланишига таъсир қилиш даражасини аниқлашга олиб келди.
2. КСЗ лар яратишга ва зарур инфратузилмалар учун йўналтирилган инвестицияларнинг чекланган бюджет маблағлари шароитида ўсиши чуқурлаштирилган техник-иқтисодий асослашни ҳамда тегишли саноат объектларига капитал қўйилмаларнинг мақсадга мувофиқлигини тасдиқлашни талаб қилади;
3. КСЗ майдонларининг хилма-хиллиги ва уларнинг иш шароитлари ва натижалари ҳақида зарур маълумотлар етишмаслиги ҳисобига инвесторлар танлови жуда қийин. Бундай КСЗ лар фаолиятининг "муваффақият" кўрсаткичининг мавжудлиги тадбиркор субъектларга ўз лойиҳалари (ишлаб чиқариш)ни жойлаштиришни осонлаштиради ва ишлаб чиқариш транзаксия харажатларини сезиларли даражада камайтиради.

КСЗ лар фаолияти самарадорлиги даражаси бу маълум бир давр ичида мазкур КСЗ томонидан эришилган якуний натижалар ёрдамида баҳоланадиган яхлит миқдорий характеристикасидир.

Баҳолаш категориясини шакллантирадиган динамик омиллар кўпхиллиги якуний кўрсаткич ўзгаришига таъсир қилади. Шундай қилиб, КСЗ лар фаолияти самарадорлиги даражасининг ошиши иқтисодий ўсишни аниқловчи вектор ҳисобланади, бунда самарадорлик даражасини таҳлил жараёни тизимли характерга эга бўлиши лозим.

Бугунги кунда амалиётда корхона ёки ташкилотлар рақобатбардошлигини баҳолашнинг бир қанча усуллари ишлаб чиқилган ва амалиётга қўлланиб келинмоқда. Кўп ҳолларда бу усуллар корхона фаолиятининг аниқ бир жиҳатини характерловчи бир хил турдаги маълумотлардан фойдаланилади. Бундай кўрсаткичлар асосидаги таҳлил корхонанинг бозордаги ўрнининг тўлиқ тавсифини беролмайди. Бундай ҳолда корхона фаолияти асосий жиҳатларини акс эттирувчи кўрсаткичлар тизимини тавсифловчи усулни қўллаш зарурати пайдо бўлади.

Бу муаммони ҳал қилиш ечимларидан бири иқтисодий изланишларда таққослашнинг кўп ўлчовли таҳлил усулларида фойдаланиш ҳисобланади. Бу турдаги ҳисобларни бажаришда асосий муаммо таҳлил қилинувчи омиллар мажмуаси турличалигидир. Кўп сондаги турли, яъни турли ўлчов бирликларига эга бўлган кўрсаткичларни бир хилликка келтириш учун таксономик кўрсаткични қўллаш мумкин. У ўзида турли белгилардан фойдаланилган сунъий катталикни ифодалайди. Маълумки, корхона ривожланиш даражасини характерловчи бундай сунъий катталик дастлаб З.Хельвиг томонидан қўлланилган таксономик кўрсаткич бўлиб, у ўрганилаётган иқтисодий жараённи характерлайдиган барча кўрсаткичлардан ташкил топади. Иқтисодий жараён ривожланиш даражаси реал таксон миқдорининг шартли максимал қийматга яқинлиги асосида аниқланади. Ҳозирги пайтда таксономиядан биологияда, фалсафада, иқтисодиётда ва бошқа фанларда кенг фойдаланилади [2].

Барча ташкил қилинган КСЗ лар турли хил кўрсаткичлар тўпламига эга.

### Таҳлил ва натижалар

КСЗ лар фаолияти ривожланиш даражасини баҳолаш учун таксономик таҳлил усулини қўллашда аввал баҳоланаётган КСЗ ларни баҳолаш учун кузатувлар матрицаси тузиб олинади. У баҳоланаётган КСЗ сифат кўрсаткичларини аниқловчи сонли қийматлардан иборат бўлади. Устунларида бир хил номли кўрсаткичлар ва сатрларда баҳоланаётган КСЗ ларни аниқловчи бирлик кўрсаткичлар берилган кузатувлар матрицаси тузиб олинади, унинг кўриниши куйидагича:

$$X = \begin{Bmatrix} x_{11} & x_{12} & \dots & x_{1k} & x_{1n} \\ x_{21} & x_{22} & \dots & x_{2k} & x_{2n} \\ \dots & \dots & \dots & \dots & \dots \\ x_{i1} & x_{i2} & \dots & x_{ik} & x_{in} \\ \dots & \dots & \dots & \dots & \dots \\ x_{w1} & x_{w2} & \dots & x_{wk} & x_{wn} \end{Bmatrix}$$

Бу ерда  $w$  – кичик саноат зоналари сони,  $n$  – кичик саноат зоналарини характерловчи кўрсаткичлар сони,  $x_{ik}$  –  $i$ - кичик саноат зонасининг  $k$ -кўрсаткич қиймати. Тузилган матрицалар бир жинсли эмас, улар КСЗ лар фаолияти самарадорлиги даражасини турли хоссаларини ифодалайди ва шунга мос равишда турли мазмун ва ўлчов birlikларига эга бўлади, уларни стандартлаштириш зарур. Таксономия усулига кўра кўрсаткич қиймати ҳар бир ўзига хос хусусиятнинг барча объектлар бўйича ўртача қийматининг оғиш нисбатидан стандарт оғишини тавсифловчи коэффициентга алмаштирилади

У баҳоланаётган КСЗ лар кўрсаткичларини аниқловчи сонли қийматлардан иборат бўлади [3].

Бундан ташқари уларнинг ўлчов birlikлари ҳам ҳар хил бўлиб, баъзи арифметик ҳисобларни бажаришни қийинлаштиради, шунинг учун бу birlikларни стандартлаштириш зарур. Бунинг учун  $k$  кўрсаткич учун ўрта арифметик қиймат  $\bar{x}_k$  ни  $\bar{x}_k = \frac{1}{\omega} \sum_{i=1}^{\omega} x_{ik}$  (1) формула асосида ҳисобланади. Кейин  $k$  кўрсаткичнинг стандарт оғишини

$$S_k = \left[ \frac{1}{\omega} \sum_{i=1}^{\omega} (x_{ik} - \bar{x}_k)^2 \right]^{\frac{1}{2}} \quad (2) \quad \text{формула асосида ҳисобланади.}$$

Стандартлаштириш учун куйидаги формулалардан фойдаланамиз:

$$Z_{ik} = \frac{x_{ik} - \bar{x}_k}{S_k} \quad (3)$$

Бу ерда  $k = 1, 2, \dots, n$ ;  $x_{ik}$  –  $i$  – birlik учун  $k$  кўрсаткич қиймати;  $\bar{x}_k$  -  $k$  кўрсаткичнинг ўрта арифметик қиймати;  $S_k$  -  $k$  кўрсаткичнинг стандарт оғиши;  $Z_{ik}$  -  $i$  – birlik учун  $k$  кўрсаткичнинг стандартлаштирилган қиймати:

стандартлаштирилган кўрсаткичларнинг ҳисобланган қийматлари бўйича кузатувлар матрицаси тузилади. Матрица кўрсаткичларини фаркланади, яъни матрица қийматларини КСЗ лар ривожланиш даражасига таъсир этувчи ижобий ва салбий омиллар аниқланади. Ҳар бир КСЗ лар ривожланиш даражаси ривожланиш эталонини

$$h_0 = \bar{c}_0 + 2F_0 \quad (4) \quad \text{формула асосида ҳисобланади, бунда}$$

$$\bar{c}_0 = \frac{1}{w} \sum_{i=1}^w c_{i0}; \quad (5)$$

$$F_0 = \left[ \frac{1}{w} \sum_{i=1}^w (c_{i0} - \bar{c}_0)^2 \right]^{\frac{1}{2}} \quad (6)$$

Энди ҳар бир КСЗ лар ривожланиш даражаси  $d_i$  кўрсаткичини

$$d_i = \frac{c_{i0}}{h_0} \quad (7) \quad \text{формула асосида алоҳида ҳисобланади.}$$

Таксономик таҳлил назариясига кўра,  $d_i$  кўрсаткич 0 га қанча яқин бўлса, КСЗ лар

ривожланиш даражаси шунча юқори бўлади [4].

Амалда таксономик ривожланиш омили қуйидаги шаклда қўлланилади:

$$K_i = 1 - \frac{c_{io}}{n_o} = 1 - d_i$$

Ривожланишнинг таксономик кўрсаткичининг қиймати 0 дан 1 гача ( $0 \leq K \leq 1$ ) оралиғида қийматларни қабул қилиши мумкин. У қанчалик баланд бўлса, КСЗ фаолияти самарадорлиги шунчалик юқори бўлади. Бу кўрсаткич кўп сонли хусусиятларга эга объектларни солиштириш ва уларни ривожланиш даражасига кўра тартиблаш имконини беради. Таксономик усулнинг асосий афзаллиги стандартлаштириш жараёнидир, бунинг натижасида объектнинг ҳар хил тасвирланган сифат ва миқдорий кўрсаткичлар хусусиятлари ягона стандартлаштирилган ўлчов тизимига айлантирилади, бу эса фойдаланиш қулайлиги билан унинг кенг қўлланилишига имкон яратади.

КСЗ лар фаолияти самарадорлиғни баҳолаш кўрсаткичлар тизими

№	Кўрсаткич номи	Ҳисоблаш формуласи	Изоҳ
1	КСЗ ривожланиш даражаси кўрсаткичи	$\frac{RDK}{UHN} = \frac{IH}{UHN}$	ИН- инвестиция ҳажми УНН- умумий ҳаражат ҳажми
2	КСЗ ҳудудининг бандлик даражаси	$\frac{HBD}{UEM} = \frac{BВУМ}{UEM}$	ВВУМ-банд бўлган ер майдони UEM-умумий ер майдони
3	Ишлаб чиқариш қуввати кўрсаткичи	$IChQ$	ИЧН- ҳисобот даври ишлаб чиқариш ҳажми ҮИЧН-йиллик ишлаб чиқариш ҳажми
4	Ишчи ўринлар ўсиш даражаси	$\frac{IO'O'D}{JIO'S} = \frac{YIO'S}{JIO'S}$	ҮИО'S-Йиллик янги ишчи ўринлар сони ҮИО'S-Жами ишчи ўринлар сони
5	КСЗ ишлаб чиқаришнинг импорт ўрнини босиш даражаси	$\frac{IO'BD}{JMH} = \frac{IO'BMH}{JMH}$	ИДИО'ВМН- Ҳисобот даврида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ҳажми Жами

			маҳсулотлар ҳажми
6	Экспорт ҳажми даражаси кўрсаткичи	$\frac{EHD}{JMH} = \frac{EMH}{JMH}$	НДЕМН-Ҳисобот даврида экспорт қилинган маҳсулотлар ҳажми JMН-Жами маҳсулотлар ҳажми
7	Доимий субъектлар кўрсаткичи	$DS = \frac{SS}{IS}$	Ҳисобот даврида экспорт қилинган маҳсулотлар ҳажми

Ҳудудларда ташкил этилган кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини таклиф қилинган кўрсаткичлар тизимига асосланган ҳолда республика миқёсида вилоятлар кесимида, кейинчалик ҳар бир вилоятда туманлар кесимида мониторинг қилишни ташкил этиш минтақавий ҳокимият органлари билан бирга КСЗ иштирокчиси (ижарачи ёки лойиҳа эгаси) учун ҳам кизиқиш уйғотади ҳамда уларни бошқаришнинг ажралмас элементи саналади ҳамда лойиҳаларни ривожлантиришда стратегия ва тактикани тўғрилайдиган зарур бошқариш қарорларини тезда қабул қилиш имконини беради

#### Ўзбекистон Республикасида КСЗ лар фаолияти бўйича ҳудудларнинг миллий рейтинги

№	Ҳудуд номи	КСЗ лар сони
1	Тошкент шаҳри	8
2	Қашқадарё вилояти	33
3	Фарғона вилояти	68
4	Андижон вилояти	24
5	Наманган вилояти	54
6	Қорақалпоғистон Республикаси	33
7	Сурхондарё вилояти	36
8	Сирдарё вилояти	16
9	Тошкент вилояти	60
10	Самарқанд вилояти	90
11	Хоразм вилояти	20
12	Бухоро вилояти	40
13	Навоий вилояти	13
14	Жиззах вилояти	25

#### Хулосалар ва таклифлар

Таксономик таҳлил усулини қўллаш орқали кўп сондаги турли, яъни турли ўлчов бирликларига эга бўлган кўрсаткичларни бир хилликка келтириш мумкин. Бу эса КСЗ фаолияти самарадорлигига турли кўрсаткичлар таъсирини аниқлаш имконини беради.

Қурилган самарадорлик кўрсаткичи асосида давлат органларига кичик саноат зоналарининг ҳолати ва ривожланиш динамикасини кузатиш, ҳудудларни ривожлантириш самарадорлигини тахминий баҳолаш имконини берувчи КСЗ ларни ривожлантириш рейтингини ҳам тузиш мумкин, шу билан бирга хориж инвесторларини жалб қилишда жойни баҳолаш ва танлашни осонлаштиради. Бошқарув компанияси учун бу паркиннг рейтингдаги ўрнини ошириш учун кўрсатилаётган хизматлар сифатини ривожлантириш ва яхшилаш учун рағбат яратади.

Таклиф этилаётган КСЗ ларни рейтингини бўйича тартиблаш усули "шаффофлик" тамойилга амал қилиши керак, яъни. алгоритм ва кўрсаткичлар рўйхати очиқ, мутахассисларга унинг аниқлигини ошириш учун қўшимча кўрсаткичларни киритиб, ушбу усулни яхшилаш имконини беради

Шунингдек, бу усул, алоҳида экспертларнинг субъектив баҳолари бўйича эмас, балки объектив статистик маълумотлардан фойдаланишга асосланган.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Городнов В.П., Романчик Т.В. Таксономический анализ как метод оценки конкурентоспособности промышленной продукции // Бизнес Информ.-2010.-№2.-С. 24-28
2. Sakieva, O. B. (2021). USE OF MULTI-DIMENSIONAL STATISTICAL METHODOLOGY IN EVALUATION OF COMPETITIVENESS OF ENTERPRISE PRODUCTS. In *ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА СОВРЕМЕННОЙ НАУКИ* (pp. 14-16).
3. Sakieva, B. B. (2021, June). USE OF TAXONOMICAL ANALYSIS TO DETERMINE COMPETITIVENESS OF INDUSTRIAL ENTERPRISES. In *Archive of Conferences* (Vol. 28, No. 1, pp. 41-44).
4. Batirovna, S. O., & Batirovna, S. B. (2020, August). TAXONOMIC ANALYSIS ONE OF THE METHODS FOR DETERMINING AND EVALUATING THE COMPETITIVENESS OF AN ENTERPRISE'S PRODUCT. In *Archive of Conferences* (Vol. 5, No. 1, pp. 24-26).
5. Сандлер Д.Г., Кузнецов П.Д. Индустриальные парки в России: Концептуальная проработка проектов // Экономика региона. 2015. №1. – URL: <http://cyberleninka.ru/article/n/industrialnye-parki-vrossii-kontseptualnaya-prorabotka-proektov>
6. Беленов О.Н., Смольянинова Т.Ю., Шурчкова Ю.В. Индустриальные парки: сущность и основные характеристики // Региональная экономика и управление. Электронный научный журнал. –2013. — №1 (33). — С. 66-76.